

KONFERENSIYA

“JIZZAX VILOYATI IJTIMOIIY-IQTISODIY
RIVOJLANISHINING ASOSIY
YO’NALISHLARI: MUAMMO VA YECHIMLAR”



RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMANI

2025-yil 21 noyabr

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY
UNIVERSITETINING JIZZAX FILIALI**



**JIZZAX VILOYATI IJTIMOIIY-IQTISODIY
RIVOJLANISHINING ASOSIY YO‘NALISHLARI:
MUAMMO VA YECHIMLAR**
*mavzusidagi Respublika ilmiy-texnik anjuman materiallari
to‘plami*
(2025-yil 21-22-noyabr)

JIZZAX-2025

Umumiy tajriba natijalaridan xulosa qilinganda:

1. Paxta tozalash korxonalarida chigit xomashyolarni saralash va tozalash ustida olib boriladigan tadqiqotlarda “Standart Testing Sieve TS-300” loybaratoriya uskunasiidan foydalanish mumkin.
2. Ushbu uskunaning ishlash tartibi o‘rganib chiqildi va chigit xomashyolarini saralashda foydalanildi.
3. Tajriba natijalariga ko‘ra S-8290 2-navli paxtaning 200 gr chigit xomashyosida 9.5 mmdan katta bo‘lgan tolasi to‘liq ajratilmagan chigit aralashmalari 9.9 gr ni tashkil qilishi o‘rganildi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

- [1] Abbazov I., Usmankulov A., Sharopov B. Investigation of local resistance and air velocity in narrowing pipes for the transport of fibrous materials //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2023. – T. 1142. – №. 1. – С. 012093.
- [2] Аббазов И. З. и др. ВЛИЯНИЕ МЕСТНОГО СОПРОТИВЛЕНИЯ НА ИЗМЕНЕНИЯ ДАВЛЕНИЯ И СКОРОСТИ В РАСШИРЕННОМ ПНЕВМОТРАНСПОРТЕ //Universum: технические науки. – 2022. – №. 3-3 (96). – С. 37-46.
- [3] Турсунов З. Р. У. и др. АНАЛИЗ СУЩЕСТВУЮЩИХ ОЧИСТИТЕЛЕЙ ХЛОПКОВЫХ СЕМЯН НА ХЛОПКООЧИСТИТЕЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ //Universum: технические науки. – 2023. – №. 10-4 (115). – С. 11-17.
- [4] Abbazov I. Z. et al. Pressure loss during expansion of local resistance pipes in a mixture of air and fibrous waste //Textile Journal of Uzbekistan. – 2021. – T. 1. – С. 4-11.
- [5] Аббазов И.З. и др.технологик жараёнлардан чиқаётган чанг зарраларининг фракцион таркиби //science and education. – 2021. – Т. 2. – №. 3. – С. 129-135.
- [6] Аббазов, Илхом Запирович, Бобир Набижон Ўғли Шаропов, and Зоҳид Равшан Ўғли Турсунов. "ВЛИЯНИЕ МЕСТНОГО СОПРОТИВЛЕНИЯ НА ИЗМЕНЕНИЯ ДАВЛЕНИЯ И СКОРОСТИ В РАСШИРЕННОМ ПНЕВМОТРАНСПОРТЕ." Universum: технические науки 3-3 (96) (2022): 37-46.

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ МАМЛАКАТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИ ВА СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШ СИФАТИДА

Алиқулова Лайло Зиядин қизи

Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиали

aliquovalaylo@gmail.com

Дунё миқёсида экологик барқарор бизнесни рағбатлантириш нуқтаи

назарида солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш замонавий иқтисодий тизимлар ривожланишининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD), Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси (МВФ), БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури (UNEP) ва Жаҳон иқтисодий форуми (WEF) каби етакчи халқаро ташкилотларнинг маълумотларига кўра, солиқ инструментлари бизнеснинг атроф-муҳитга бўлган салбий таъсирини камайтириш ва унинг барқарорлигини оширишда катта аҳамият касб этади.

OECD ҳисоботларига кўра, кенг қамровли «яшил» солиқ ислохотларини амалга ошириш ривожланган иқтисодиётларда ялпи ички маҳсулотнинг 2,0–4,0%гача солиқ тушумларини ошириши мумкин, бу эса экологик йўналтирилган солиқларнинг юқори фискал самарадорлигини тасдиқлайди. Жаҳон банки таҳлиliga кўра, углерод солиғини жорий этиш биринчи беш йил ичида CO₂ чиқиндиларини 10,0–15,0%гача камайтиришга хизмат қилади ва бу унинг бозор механизми сифатидаги самарадорлигини кўрсатади.¹⁰⁴ OECD давлатларида углерод солиғининг ўртача ставкаси CO₂ чиқиндиларининг ҳар бир тоннаси учун тахминан 30 АҚШ долларини ташкил этади, бу эса корхоналарни ишлаб чиқариш жараёнларини кам углеродли технологиялар асосида ташкил этишга ундайди.¹⁰⁵

Солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири бу - солиқ тўлашдан бўйин товлашни камайтириш ва солиқ мажбуриятларининг шаффофлигини оширишдир. МВФ баҳолашларига кўра, барқарор бизнесга нисбатан самарали солиқ маъмурчилиги солиқдан бўйин товлаш даражасини 20,0%гача камайтириш имконини беради, бу эса давлатнинг фискал механизмлари самарадорлигини оширади.¹⁰⁶ UNEP маълумотларига кўра, экологик тоза технологияларни жорий этишга қаратилган солиқ имтиёзлари ва субсидиялар уларнинг тарқалишини 30,0%гача оширади, натижада технологик янгиланиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтиш учун рағбатлар яратилади.¹⁰⁷

Маълумки, яшил иқтисодиёт табиат ресурсларидан эҳтиёткорона фойдаланишни, чиқиндиларни камайтиришни ва уларни қайта ишлашни, энергетика самарадорлигини оширишни, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ҳамда барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган иқтисодий фаолият моделидир. Унинг асосий мақсади табиий ресурсларни тежаш, иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини камайтириш ва иқтисодиёт ўсишини экологик жиҳатдан барқарор ҳолда сақлашдир. Яшил иқтисодиётга ўтиш ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам янги иқтисодий имкониятлар яратиши мумкин.

¹⁰⁴World Bank. State and Trends of Carbon Pricing 2023. Washington, DC: World Bank Group, 2023. 180 p.

¹⁰⁵OECD. Taxing Energy Use 2023: Trends in Energy Taxation and Carbon Pricing. Paris: OECD Publishing, 2023. 276 p.

¹⁰⁶International Monetary Fund (IMF). Fiscal Monitor: Climate Policies and the Fiscal Framework. Washington, DC: International Monetary Fund, 2023. 150 p.

¹⁰⁷United Nations Environment Programme (UNEP). Global Environment Outlook 2023: Sustainability at a Crossroads. Nairobi: UNEP, 2023. 342 p.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Хусусан, мамлакатнинг глобал ҳамжамият олдидан олган мажбуриятларини бажаришда тармоқ ва соҳаларнинг уйғун “яшил трансформация”сини амалга ошириш, уларнинг рақобатбардошлиги ва ресурс тежамкорлигини, “яшил ривожланиш” орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда “яшил иқтисодиёт” асосида барқарор ривожланишни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 4 октябрда тасдиқланган “2019–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси” муҳим дастурий амал ҳисобланади. “Яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг муҳим вазифалари қаторига иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурсларни оқилона истеъмол қилиш киради.

Ўзбекистон иқтисодий ўсиш суръатлари билан жаҳон бозорида муҳим ўрин эгалламоқда. Бироқ бу ўсишнинг экологик жиҳатлари ҳам мавжуд. Мамлакатимизда экологик муаммолар, жумладан, сув ресурсларининг камайиши, ҳавонинг ифлосланиши ва қишлоқ хўжалигидаги интенсификация жараёнлари иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашни қийинлаштиради. Шу боис яшил иқтисодиётга ўтиш нафақат табиий ресурсларни самарали бошқариш, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни ҳам янги йўналишда олиб бориш заруратини келтириб чиқаради.

Экологик йўналтирилган бизнесни рағбатлантириш контекстида истиқболли йўналишлардан бири - солиққа тортиш соҳасида рағбатлантириш механизмларини ривожлантиришдан иборат.

Бу энергия самарадорлиги ва “яшил” технологиялар соҳасидаги инновацияларга берилувчи солиқ чегирмалари каби чора-тадбирларни ўз ичига олади. ОЭСР баҳолашига кўра, бундай чоралар барқарор лойиҳаларга инвестицияларни биринчи беш йил ичида 25,0–30,0% гача ошириш имконини беради.¹⁰⁸ Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқарувчи корхоналар учун солиқ имтиёзлари мавжуд, бироқ уларнинг самарадорлиги институционал база етарли даражада ривожланмаганлиги ва “яшил” лойиҳаларни халқаро молиялаштириш механизмлари билан етарлича интеграция қилинмаганлиги туфайли чекланган ҳолда қолмоқда.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтишдан аввал миллий қонунчиликни аудитдан ўтказиб, жаҳон талабларига мослаштириш ҳамда ягона тизимга келтириш зарур. Баъзи давлатлар ишни амалиётдан бошлаб, кейин қонунчилик базаси билан шуғуллангани боис, қўшимча муаммоларга дуч келган. Бундай хатолик ўтиш жараёнини секинлаштиради.

“Яшил” иқтисодиётни шакллантириш ва унинг барқарор ривожланишига ўтиш глобал даражада ҳам, Ўзбекистон учун ҳам устувор вазифалардандир.

¹⁰⁸OECD. Incentives for Green Innovation [Electronic resource] // Organisation for Economic Co-operation and Development. – 2023. – Available at: <https://www.oecd.org/tax/incentives-for-green-innovation.htm>

Ўзбекистон “яшил” иқтисодиётга ўтишни ва “яшил” ўсишни таъминлашда ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш учун қуйидаги мақсадларни амалга ошириши лозим:

- Табиий ресурслардан барқарор ва самарали фойдаланиш;
- Миллий иқтисодиётнинг табиий офатлар ва иқлим ўзгаришига нисбатан барқарорлигини мустаҳкамлаш;
- Миллий иқтисодиёт, хусусан саноатнинг «яшил» ва кам углеродли ривожланишини таъминлаш;
- Инновацияларни жорий этиш ва самарали «яшил» инвестицияларни жалб қилиш;
- Барқарор ва инклюзив «яшил» урбанизацияни ривожлантириш;
- «Яшил» иқтисодиётга ўтиш даврида катта таъсир кучига эга бўлган аҳоли қатламларини ва уларнинг яшаш жойларини қўллаб-қувватлаш;
- «Яшил» ўсиш бўйича салоҳиятни ошириш ва инсон капиталини ривожлантириш;
- «Яшил» иқтисодиётга ўтиш учун қулай сиёсий муҳит яратиш, самарали институтларни жорий қилиш;
- Ташқи ва ички «яшил» молиялаштириш оқимларини кўпайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. World Bank. State and Trends of Carbon Pricing 2023. Washington, DC: World Bank Group, 2023. 180 p.
2. OECD. Taxing Energy Use 2023: Trends in Energy Taxation and Carbon Pricing. Paris: OECD Publishing, 2023. 276 p.
3. International Monetary Fund (IMF). Fiscal Monitor: Climate Policies and the Fiscal Framework. Washington, DC: International Monetary Fund, 2023. 150 p.
4. United Nations Environment Programme (UNEP). Global Environment Outlook 2023: Sustainability at a Crossroads. Nairobi: UNEP, 2023. 342 p.
5. OECD. Incentives for Green Innovation [Electronic resource] // Organisation for Economic Co-operation and Development. – 2023. – Available at: <https://www.oecd.org/tax/incentives-for-green-innovation.htm>